

ХИЗМАТЛАР

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва самарали бандлигини таъминлашда хизматлар соҳасининг ҳар томонлами ривожланиши муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири сифатида қўйишмоқда.

Хизматлар соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иктисодий жараёнларга таъсир кўрсатади, бу эса мазкур масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	1504,8	102,6	100,0
<i>шу жумладан: мулкчилик шакллари бўйича</i>			
давлат мулки	0,4	105,9	-
нодавлат мулки	1504,4	102,6	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	1343,4	114,4	89,3

Расмий сектордаги уюшган савдо корхоналарининг савдо айланмаси ҳажми жорий йилда 438,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2017 йил январь-мартга нисбатан 105,1 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 1066,2 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 1,6 фоизга кўпайган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида унинг улуши 70,9 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-мартда савдо айланмаси таркиби қўйидагича фодаланади

	млрд. сүм	2017 йил январь-маргта нисбатан фоиз хисобида	Якунга нисбатан фоиз хисобида
--	-----------	--	--

Товар айланмаси	1504,8	102,6	100,0
------------------------	---------------	--------------	--------------

шу жумладан:

уюшган савдо корхоналари	438,6	105,1	29,1
уюшмаган савдо	1066,2	101,6	70,9

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 50,2 млрд. сўмга етди ёки 2017 йил январь-маргта нисбатан 98,4 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-маргда **иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар** ҳажми 1385,0 млрд. сўмни ташкил қилди, 2017 йил январь-маргта нисбатан ҳақиқий ўсиш 104,6 фоизни ташкил этди.

2018 йил январь-марг ойида кўрсатилган хизмат турлари бўйича (амалдаги баҳоларда) қўйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2017 йил январь-маргта нисбатан фоиз хисобида	якунга нисбатан фоиз хисобида
--	-----------	---	-------------------------------

Жами хизматлар	1385,0	104,6	100,0
-----------------------	---------------	--------------	--------------

шу жумладан:

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	85,5	117,9	6,2
Молия хизматлари	131,8	112,7	9,5
Транспорт хизматлари	358,3	102,7	25,9
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	57,9	100,1	4,2
Савдо хизматлари	473,4	100,7	34,2
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	40,3	103,7	2,9
Таълим хизматлари	63,3	123,5	4,5
Соғлиқни сақлаш хизматлари	27,3	103,7	2,0
Ижара ва прокат хизматлари	37,5	102,2	2,7
Компьютерларни ва майший товарларни таъмирилаш хизматлари	34,2	104,7	2,5

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>якунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Шахсий хизматлар	30,2	100,2	2,2
Меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	11,2	103,0	0,8
Бошқа турдаги хизматлар	34,1	104,6	2,4

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо (34,2 фоизи), транспорт (логистик хизматлар билан бирга) (25,9 фоизи), молиявий (9,5 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (6,2 фоизи), таълим (4,5 фоизи) ва яшаш ва овқатланиш (4,2 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Молия хизматлари, банк, сугурта ва молиявий лизинг хизматларини ўз ичига олган ҳолда ўтган йилга нисбатан (12,7 фоизга кўп), таълим хизматлари (23,5 фоизга кўп), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, уяли алоқа, “Интернет”тармоғидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматларини ўз ичига олган ҳолда (17,9 фоизга кўп), ўсиш юқори бўлди.

2018 йил январь-мартда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари

